

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

### РЕСПУБЛИКАДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИНИ ЯНАДА ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар түғрисида» 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар түғрисида» 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон қарорига мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириши агентлигининг Виночиликни ривожлантириши жамғармаси ҳисобидан 20 млрд сўм миқдоридаги маблағлар Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириши ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) ўтказиб берилганлиги;

б) Қуйидагилар Жамғарма маблағларини сарфлашнинг қўшимча йўналишлари этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосланишини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг инфратузилмасини яратиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасига хорижий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 50 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби түғрисидаги низом [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин:

озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб беришга субсидиялар ажратишга доир тартиб-таомиллар;

ташаббускорларнинг субсидия ажратиш түғрисидаги аризаларини кўриб чиқиши тартиби ва муддатлари;

ташаббускорларга субсидия ажратишни рад этишнинг асослари ҳамда уларнинг ариза билан қайта мурожаат қилиш ёхуд юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқи.

3. Белгилансинки:

озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларни техник-иктисодий асосланишини тайёрлаш ҳамда янги лойиҳаларнинг инфратузилмасини яратиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва чуқур қайта ишлаш соҳасига хорижий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб беришга субсидиялар мазкур лойиҳалар тўлиқ ишга туширилиб, тегишли далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг ажратилади;

озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини Жамғарма ҳисобидан қоплаб беришга субсидия ажратиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қарорига асосан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳаларини ташкил этиш бўйича субсидиялар ажратилишини қонунчилик хужжатлари ва мазкур қарор талаблари асосида амалга оширилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Ш.М. Фаниев ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 20 январь,  
37-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 январдаги 37-сон қарорига  
ИЛОВА

**Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳаларни ташкил этиш  
 билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳаларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом қоидалари ташаббускорларнинг 2020 йил 10 сентябрдан сўнг амалга оширган тегишли харажатларини қоплашга нисбатан татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**инфратузилма** — ташкилотнинг янги лойиҳаларини ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб берадиган, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини (ичимлик сув, оқова сув тармоқлари, табиий газ ва электр энергияси) тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари;

**лоиҳа** — озиқ-овқат маҳсулотларини саноат усулида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган инфратузилма, хорижий эксперт жалб этиш ва техник-иктисодий асослантиришлар билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

**ташаббускорлар** — озиқ-овқат маҳсулотларини саноат усулида ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан мурожаат қилган юридик шахслар;

**техник-иктисодий асосланиш** — янги лойиҳанинг умумий энг кўп микдордаги қийматини ва молиялаштириш эҳтиёжи ҳажмини кўриб чиқилган, молиялаштиришнинг дастлабки шартлари ҳисобга олинган ҳолда белгилаб берувчи муқобил вариантларни ўрганиш асосида лойиҳани амалга оширишнинг энг самарали техник-технологик ва ташкилий ечимини танлашни асослаб берувчи, шунингдек, маҳсулотга бренд жалб қилиш бўйича лойиҳа ҳужжати;

**хорижий эксперт** — олий маълумотли, портфолио ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш тизимида камида беш йил иш тажрибасига эга бўлган чет эл фуқароси;

**аризаларни электрон шаклда қабул қилиш** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган, ариза ва унинг иловаларини ҳамда унинг асл нусхаларини электрон шаклда қабул қилиш имконияти яратилган веб сахифа.

3. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш бўйича субсидия Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) хисобидан ажратилади.

4. Жамғармадан субсидия қўйидаги тартибда ажратилади:

а) озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосланишини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи миқдорида, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда — лойиҳа ташкилоти билан техник-иктисодий асосланишини ишлаб чиқиши учун тузилган икки томонлама шартнома, ишлаб чиқилган техник-иктисодий асосланишининг тасдиқланган нусхаси, бажарилган ишлар бўйича далолатнома, тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжат ҳамда лойиҳа ишга туширилганлиги тўғрисидаги далолатнома асосида;

б) озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг инфратузилмасини яратиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда — хизмат кўрсатиш бўйича тузилган икки томонлама шартнома, бажарилган ишлар бўйича далолатнома ва тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжат, лойиҳа ишга туширилганлиги тўғрисидаги далолатнома асосида;

в) озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва чуқур қайта ишлаш соҳасига хорижий эксперталарни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 50 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда — икки томонлама тузилган меҳнат шартномаси ёки контракти (алоҳида келиш ва кетиш, яшаш билан боғлиқ харажатлар бундан мустасно) ва тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжат асосида ажратилади (озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва чуқур қайта ишлаш бўйича ускуналар ва техникаларни харид қилиш билан боғлиқ тузилган шартномаларнинг таркибига киритилган хизматлар бундан мустасно). Бунда томонлар ўртасида тузилган шартноманинг муддати икки йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

5. Республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳалар учун субсидия бериш мазкур Низомга **1-иловага** мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

6. Ташаббускорларга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар учун субсидия Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — вазирлик) қарорига асосан берилади.

Ушбу вазифани бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан вазирлик марказий аппарати ва тизим ташкилотлари масъул ходимларидан иборат таркибда ишчи гуруҳ ташкил этилади.

7. Субсидия тўловлари вазирлик қарори қабул қилингандан сўнг ташаббускорлар билан тузиладиган шартнома асосида қоплаб берилади. Шартнома ташкил этилаётган лойиҳани мониторинг қилиб бориш мақсадида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, янги ташкил этилган лойиҳа дастлабки уч йил давомида фаолиятини ўзгартирса ёки тўхтатса, ажратилган субсидия қайтирилиши тўғрисидаги бандларни ўз ичига олади.

## **2-боб. Харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби**

8. Ташаббускорлар субсидия олиш учун мазкур Низомга **2-иловага** мувофиқ шаклдаги аризани тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят ёки Тошкент шаҳар Қишлоқ хўжалиги бошқармаларига ёзма ёки электрон шаклда тақдим этади.

Аризага қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

иш ва хизматлар кўрсатиш бўйича тузилган икки томонлама шартнома;  
тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатлари (инфратузилма обьектлари учун);

ишилаб чиқилган техник-иқтисодий асосланиш ҳужжатларининг нусхаси (техник-иқтисодий асосланишни тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш объектлари учун);  
бажарилган ишлар бўйича тузилган далолатнома;  
тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;  
лойиҳа ишга туширилганлиги тўғрисидаги далолатнома.

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қишлоқ хўжалиги бошқармалари ташаббускорларнинг аризаларини қабул қиласи ҳамда вазирликка киритади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббускорларнинг аризаларини мазкур Низом бўйича қабул қилиб олади ва кўриб чиқади.

9. Тақдим қилинган ҳужжатлар вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўн кун муддатда аризани ва унда кўрсатиб ўтилган объекtnи жойига чиқсан ҳолда ўрганади ҳамда ўрганиш натижаларини вазирликка юборади ва бу ҳақда ташаббускорга ёзма ёки электрон ҳолда маълум қиласи.

10. Вазирлик ташаббускорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни мазкур Низом талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқади ва ўн кун давомида субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида қарорни қабул қиласи.

11. Вазирлик ташаббускорларнинг фаолияти ва улар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ахборот тизимлари, шу жумладан, тегишли органларнинг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги маълумотлар базалари ёрдамида ҳамда сўровномалар асосида ўрганиб чиқиши мумкин.

### **3-боб. Субсидия ажратишни рад этиш асослари**

12. Қуйидаги ҳолатларда ташаббускорларга субсидия ажратиш рад этилади:

ташаббускорларнинг фаолияти мазкур Низом **4-бандида** белгиланган шартларга мувофиқ бўлмаса;

ташаббускорлар томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар мазкур Низомнинг **8-банди** талабларига мос келмаса;

ташаббускорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мазкур Низомнинг **11-бандида** белгиланган тартибда ўтказиладиган ўрганишлар орқали ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни атайн бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда.

13. Ташаббускорлар субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги хulosада қайд этилган камчиликларни бартараф этган ҳолда, субсидия олиш учун вазирликка ёки унинг ҳудудий бўлинмалари ариза билан қайтадан мурожаат қилишга ҳақли.

14. Ташаббускорлар субсидия ажратилишини рад этиш тўғрисидаги хulosадан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш хуқуқига эга.

### **4-боб. Субсидия тўловини амалга ошириш тартиби**

15. Субсидия ажратилиши асосланганлиги ва унинг миқдори ҳақидаги маълумот вазирлик қарори асосида берилади.

Вазирлик ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тасдиқланган баённоманинг ҳаққонийлигига масъул ҳисобланади.

16. Вазирлик томонидан қарор қабул қилингандан сўнг ўн кун муддатда субсидия ташаббускорларга белгиланган тартибда Жамғарма ҳисобидан тўлаб берилади.

17. Субсидия Вазирлик томонидан белгиланган тартибда тегишли ташаббускорларнинг тижорат банкидаги асосий ҳисобрақамига ўтказиб берилади.

18. Субсидия ажратилган ташаббускорларнинг реестри Вазирлик томонидан юритилади.

### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

19. Ташаббускорларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳалари харажатларининг бир қисмини қоплаш бўйича ажратиладиган субсидия маблағларидан самарали фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан назорат қилинади.

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА**  
**1-ИЛОВА**

**Республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳалар учун субсидия бериш**

**СХЕМАСИ**

<b>Босқич</b>	<b>Субъект</b>	<b>Чора-тадбир</b>	<b>Муддат</b>
1- босқич	Ташаббускорлар	<p>1. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани амалга оширишдаги харажатларнинг бир қисмини қоплашни сўраш мақсадида зарур хужжатларни тайёрлайди.</p> <p>2. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қишлоқ хўжалиги бошқармаларига ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қиласди.</p>	Ташаббус кўрсатиш тартибида
2- босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қишлоқ хўжалиги бошқармалари	<p>1. Ташаббускорлар томонидан тақдим этилган мурожаатларга илова қилинган хужжатларни Низом талабларига мослигини ўрганади.</p> <p>2. Ташаббускорлар томонидан тақдим этилган хужжатларни Қишлоқ хўжалиги вазирлигига электрон шаклда юборади ва бу ҳақда ташаббускорларга ёзма равища маълум қиласди.</p>	Ўн кун ичида
3- босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	<p>1. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан киритилган жойлардаги ташаббускорларнинг мурожаатлари ва уларга илова қилинган хужжатларни мазкур Низом талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқади.</p> <p>2. Ташаббускорларнинг фаолиятини ва улар томонидан тақдим этган</p>	Ўн кун ичида

		хужжатларини ахборот тизимлари ҳамда сўровномалар асосида ўрганиб чиқади. 3. Ўрганиш натижалари бўйича ташаббускорлар томонидан лойиҳани амалга оширишдаги харажатларни бир қисмини қоплашга субсидия ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.	
4- босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамгармаси	Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг лойиҳани амалга оширишдаги харажатларни бир қисмини қоплашга субсидия ажратиш тўғрисидаги қарорга асосан лойиҳа ташаббускорига харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида уларнинг тижорат банкларидағи ҳисобварақларига субсидияларни ўтказиб беради.	Ўн кун ичида

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги **низомга 2-ИЛОВА**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига \_\_\_\_\_ дан  
**Ариза**

(озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектнинг номи)

томонидан амалга оширилган \_\_\_\_\_  
(ложиҳанинг номи)

умумий қиймати \_\_\_\_\_ сўмга тенг техник-иктисодий асосланишни тайёрлаш, инфратузилмани яратиш, хорижий экспертни жалб этиш (тегишилиси тагига чизилсин) ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил сентябрдаги ПҚ-4821-сон қарорининг 4-бандига асосан \_\_\_\_\_

амалга оширилган ишлар учун тўланган харажатларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамгармасидан қоплаб берилишини кўриб чиқишингизни ва ижобий хулоса берилгандан сўнг тегишли маблағларни \_\_\_\_\_

(ташкилотнинг номи)

(тижорат банкининг номи)

филиалидаги ҳисобварақига ўтказиб

беришингизни сўрайман.

Аризага қўйидаги хужжатлар илова қилинди:

- 1) иш ва хизматлар кўрсатиш бўйича тузилган икки томонлама шартнома;
- 2) тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатлари (*инфратузилма объектлари учун*);
- 3) ишлаб чиқилган техник-иктисодий асосланиш хужжатларининг нусхаси (*техник-иктисодий асосланишини тайёрлаши билан боғлиқ харажатларни қоплаш объектлари учун*);
- 4) бажарилган ишлар бўйича тузилган далолатнома;
- 5) тўловлар амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжат;
- 6) лойиҳа ишга туширилганлиги тўғрисидаги далолатнома.

рахбари \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

Боғланиш учун телефон: +998 (\_\_\_\_) \_\_\_\_\_(имзо)

*(Қонунчилік маълумотлари миллий базасы, 21.01.2022 й., 09/22/37/0054-сон)*